

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Ўрозбой Абдураҳмонов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Туробжон Жўраев
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод

5
2011

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИКА

Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Умримиз боқийдир, боқий! 3

ШЕЪРИЯТ

Маҳмуд Тоир. Иккиликлар. Туркум. 7
Икром Искандар. Қалбимизда давом этар йил бўйи баҳор. Шеърлар. 15
Ҳалима Худойбердиева. Истак ўсса дарахтдай. Шеърлар. ... 48
Турсун Али. Кўнглим узра хазонрез фасли. Шеърлар. 52
Фахриёр. Қайноқ ранглар улашар ҳаёт. Шеърлар. 65
Ўктамой. Шафақ кулар кўзи қизариб. Шеърлар. 69
Лайло Шарипова. Нақшлар эртак айтади. Шеърлар. 92
Юсуф Худойқул. Юракларда уйғонар Ватан. Шеърлар. 95
Ойдиннисо. Сен. Туркум. 104
Болтабой Бекматов. Нигоҳингда муҳаббат топдим. Туркумдан. 106

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Муслим Мусаллам. Бу қирларда яшайди тарих. Шеърлар. 118

ҒАЗАЛХОНЛИК

Анвар Юнусжон. Бу ҳаёт уммони ичра. Ғазаллар. 124

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Тароватга лим тўла фурсат. Мушоира. 142

НАСР

Абдумутал Абдуллаев. Ҳазрати Аттор. Маърифий қисса. (Бошланиши). 18
Абдунаби Ҳамро. Олотнинг одамлари. Ҳикоя. 57
Исажон Султон. Озод. Роман. (Охири. Бошланиши ўтган сонда). 127

ФАНТАСТИКА, САРГУЗАШТ, ДЕДЕКТИВ

Файзулла Салаев. Узро. Фантастик қисса. 72

ЖАРАЁН

Иброҳим Ғафуров. Ўзгараётган дунёда шеър сўзи. 98

РОМАН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Дилмурод Қуронов. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар. ... 108

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Шаҳобиддин Нуриддинов. Мулла Қўшоқ Мискин ва унинг адабий мероси. 120

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бахтиёр Назаров. Йигирма ёшдаги шоирларимиз. 144
Нўъмон Раҳимжонов. Адабиётшуносликнинг янги босқичи. 159
Рухсора Тўлабоева. Болалар характерини тасвирлашда кулгининг ўрни. 166

САНЪАТ

Зокиржон Орипов. Навоий наволари. 169

ЁДНОМА

Тоштемир Турдиев. Самимий сатрлар соҳиби. 172

ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой Адашбоев. Ажиб ҳангомалар. 175

Шарқ юлдузи

2011
5-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монеълик кўрсатилса, Тошкент – 100000, «Амир Темур» тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.
Обуна индекси — 911

Манзилимиз:
100127, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99
www.sharqyulduzi.uz
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
10.10.2011 йил.
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 2450 нусха.
Буюртма № 199-11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.
«Ўқитувчи» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Саҳифаловчи ва дизайнер:
Акбарали Мамасолиев
Мусаҳҳиҳ:
Дилфуза Маҳмудова

Copyright © «Шарқ юлдузи»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
профессор



АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Маънавий-маданий меросни таҳлил ва тадқиқ этиш, ҳозирги адабий жараён ҳодисаларини танқидий ўрганиш, ўзлаштириш, эстетик баҳолаш адабиёт илмининг асосини ташкил қилади. Мазкур устувор йўналишлар қаторида, яна адабиёт назарияси, поэтика, шеършунослик, матншунослик, манбашунослик, халқаро адабий алоқалар ва адабий таъсир масалалари, фольклоршунослик, мумтоз адабиёт тарихи, таржимашунослик, адабий-эстетик, бадиий-фалсафий тафаккур такомили, муайян босқичлардаги динамикаси, қомусий изоҳли адабий терминлар луғатларини яратиш, библиографик кўрсаткичлар тузиш сингари соҳа-йўналишлари ҳам адабиёт илмининг таркибий қисмини белгилайди. Улар адабиётшуносликнинг алоҳида фан тармоқлари тариқасида илмимизнинг сажия-салоҳиятидан, ҳар бир такомил босқичидаги ҳолатидан, миқёси ва даражасидан воқиф этади.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий, фалсафий тизимларнинг ўзгариши, аввало, дунёқарашларнинг ўрин алмашувидир. Бу, шубҳасиз, янги тушунчалар, талқинлар, тасаввурлар силсиласини юзага келтиради. Бу – дунё шеваларини, инсон ва жамият муносабатларини, ижтимоий воқеликни янгича идрок қилаётган эътиқоднинг шаклланиши, ўзлигини намоён этиши демакдир. Мустақиллик асносида, умумбашарий қадриятларга таянган, гўзаллик-эзгулик-адолат принципларига асосланган адабиёт илми қарор топди; янги-янги талқин ва таҳлил методлари, усуллари билан ўз имкониятларини кенгайтириб бормоқда, илдиз отиб, палак ёзмоқда. Бу борада, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Истиқлол ва маънавият”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” асарларида илгари сурилган ижтимоий-фалсафий, адабий-эстетик назарий ғоялар адабиётшунослигимиз учун ҳам методологик асос вазифасини ўтамоқда.

“Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафкуравий тазйиқдан бутунлай халос бўлганини қайд этиш лозим, – дея таъкидлайди Давлатимиз раҳбари “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида. – Ҳар қандай ижод намунаси, бадиий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди” (133-бет). Мазкур ижтимоий-адабий муҳитнинг қутлуғ самаралари сифатида, **биринчидан,** адабиётшуносликда бадиий асарларни ғоявий-тематик таҳлил қилишга буткул чек қўйилди. Адабий асар мазмунини бадиий қадрият, ижодкор изланишларини маънавий-интеллектуал қадрият, адабий жараённи эса, ҳамиша ҳаракатдаги гўзаллик ҳодисаси, бадиият тарихи тариқасида ўрганиш тамойили қарор топди. Шу маънода, хоҳ адабиёт тарихи, хоҳ маданий-диний мерос, хоҳ бугунги кун адабий ҳаёти ҳодисалари ўрганилган, назарий умумлаштирилган тадқиқотларда, илмий асарларда яхлит бир концепция етакчилик қилмоқда. Хусусан, бадиий баркамол асар феномени нафақат ижодкор шахсияти ва дунёқарашининг, шу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нингдек, ўзи яратилган ижтимоий-маънавий шароит билан жамиятнинг ҳам маълум даражадаги кўзгусидир, деган фалсафий-эстетик нуқтаи назардир.

Хусусан, академик Азизхон Қаюмовнинг 12 китобдан иборат сайланма асарлари ниҳоясига етди. Устоз адабиётшуноснинг бир умрлик ижодий изланишларини ўзида мужассамлаштирган мазкур жилдларда эрамизнинг илк тонги IV – VII асрларга мансуб тош битигларнинг бадиий хусусиятлари тадқиқ этилган “Қадимият обидалари”дан XIX аср ўрталари – XX аср бошларигача бўлган адабий жараён (“XVI аср ўзбек адабиёти”, “Қўқон адабий муҳити”, “Ҳинд адабий сарманзиллари”); улкан сўз санъаткорларининг адабий мероси, бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий, маърифий-ахлоқий қарашлари ўрганилган (“Хоразмлик улуғ аллома”, “Аҳмад Фарғоний”, “Абу Райҳон Беруний”, “Абу Али ибн Сино”, “Амир Темур қиссалари”, “Шоҳруҳбек Мирзо”, “Улуғбек Мирзо”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти”, “Чимёнли шоир Ҳувайдо”, “Комил Хоразмий”, “Шоир Фурқат”) истеъдодли асарлари мумтоз адабиётимиз сарвати ва салобатини намоён этиш баробарида, олимнинг зукко таҳлил маданиятини, илмий-назарий тафаккур даражасини ҳам тасдиқлайди.

Ушбу силсилада Алишер Навоий ҳаёти ва ижод йўлига, бадиий маҳоратига, асарларининг ижтимоий-эстетик аҳамиятига доир, тарихий-типологик таҳлил асосига қурилган тадқиқотлар салмоқли ўрин тутади. Академик Иззат Султоннинг қайта нашр этилган “Навоийнинг қалб дафтари” асарида ҳам янгича нуқтаи назар балқиб туради. Хусусан, ижодкор шахсиятига, асарларига тарихий-маданий, интеллектуал ҳодиса тариқасида ёндашилади, ўрганилади, назарий умумлаштирилади.

Иккинчидан, адабиёт илмининг турли фан соҳалари (фалсафа, фольклор, тарих, фалакиёт, тасвирий ва амалий санъат, дин, кино, театр, мусиқа билан алоқалари, бир-бирига таъсир кўрсатиш, таъсирланиш жараёнлари чуқурлашди. Шу маънода, эстетиканинг гўзаллик ва хунуклик, фожелик ва комиклик, кўтаринкилик ва тубанлик сингари категорияларининг маъно уфқлари кенгайиб кетди. Эндиликда, бадиийлик, бадиий шартлилик, бадиий образ, тимсол, рамзийлик, муаллиф шахсияти эстетиканинг универсал категориялари сифатида ўрганила бошланди. Бир сўз билан айтганда, бадиий ижод эстетикаси ва унинг воқеликка, инсон онг-шуурига муносабати, ушбу жараённинг ижтимоий-фалсафий мазмунини ёритиш устуворлик касб этди. Профессор Наим Каримовнинг “Чўлпон”, “Мақсуд Шайхзода” маърифий-биографик романлари билан “XX аср адабиёти манзаралари” фундаментал тадқиқоти 1-китобини, профессор Умарали Норматовнинг “Қодирий мўъжизаси” монографияси билан адабий-танқидий мақолалар, эссе, хотира, қайд ва суҳбатлардан таркиб топган “Нафосат гурунглари” мажмуасини, профессор Анқабой Қулжоновнинг уч жилдлик сайланма асарларини, профессор Абдуғафур Расуловнинг “Танқид, талқин, баҳолаш”, “Бадиийлик – безавол янгилик” адабий-илмий мақолалар, талқинлар, этюдлар, “Бетакрор ўзлик” адабий-танқидий мақолалар мажмуаларини таъкидлаш жоиз. Уларда адабий характернинг мулки борлиқ билан мураккаб муносабатларга киришуви, санъат асарининг бетакрор, ўзига хос дунё эканлиги, ундаги сўз, тимсоллар аро алоқалар, адабий авлодлар, бадиий асар ва ижодкор феномени, сўз санъати жараёнлари ҳамда муаммолари хусусида баҳс юритилади.

Профессор Наим Каримовнинг “Мақсуд Шайхзода” маърифий-биографик романида шоир, драматург, адабиётшунос олим, таржимон ва педагог Мақсуд Шайхзоданинг ҳаёти, тақдири ҳақида замондошларининг хотиралари, махфий маълумотлар асосида, Озарбайжон, Доғистон, Ўзбекистонда кечган ҳаёти саҳифалари катта меҳр-муҳаббат, самимият, юксак эҳтирос билан акс эттирилади. Сиёсий-мафкуравий тазйиқлар исканжасини ёриб чиққан, эл-юрт-миллат юрагига йўл топган беқиёс ақл-тафаккур зиёларидан бохабар қилади. Наим Каримов сўз санъати, илмий-бадиий тафаккур маданиятининг бош вазифаси, бу – инсонни маънан ва ахлоқан, интеллектуал жиҳатдан тарбиялаш, шахсиятини маърифат шуълалари билан зийнатлашдан иборат, деб билади. Ушбу концепция Наим Каримов эстетик қарашларидаги маърифий ғоялар мағзини ташкил қилади. Хусусан, Мақсуд Шайхзода тириклиги, ҳаёти, фаолияти бадалида эзгу сўз воситасида одамларни руҳоний гўзалликка, ҳақиқатпарварликка, инсонсеварликка ундаб яшади. Унинг тақдири маънавий-ахлоқий комилликнинг беназир тимсолидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсон шаъни ва шахсини оёқости қилишга қаратилган диктатура тузумига, зулм – ёвузликка қарши исёндир. Деспотизмга асосланган шўро тузуми инсон шахсини букиши, тутқунлик асоратига солиши, минг бир қийноқларга гирифтор қилиши мумкин. Ва, лекин, эркин фикрини, озод руҳини, адолатли сўзини қул қилолмайди, деган маърифий ғоялар “Мақсуд Шайхзода” асарининг юксак бадиийтини белгилайди.

Ана шундай ҳолатларда эзгу сўз, адолатли фикр гўзалликка, ҳаёт ҳақиқатига тикланган ҳайкал мисоли муҳташамдир, деган маърифий маънолар олим эстетик қарашларининг устувор йўналишини ташкил этади. Одамларни, жамиятларни ахлоқий-ақлий камол топдириш адабиётнинг ва, демакки, бадиий сўз санъатининг бош мақсадидир, деган маъно Наим Каримов асарида балқиб турган яна бир фазилат.

Профессор Абдуғафур Расуловнинг “Бетакрор ўзлик” асари адабий-танқидий мақолалардан таркиб топган. У Абдулла Қаҳҳор (“Абдулла Қаҳҳор университети”, “Саралар сандиғидаги роман”, “Сароб”да ёзувчи маҳорати”, “Бадиий тасвир воситалари”, “Сароб”да психологик тасвир”), Раҳмат Файзий (“Ҳазрати инсон ёди”), Пиримқул Қодиров (“Замон санъаткор талқинида”), Ўлмас Умарбеков (“Асарлари яшаяптики...”), Худойберди Тўхтабоев (“Ғаройиб салтанат”, “Бетакрор услубнинг кашф этилиши”, “Ҳошимжон. Сеҳрли қалпоқча. Сариқ дев”, “Акром билағон Ҳошимнинг дўсти, Гарри Потернинг оғаси”, “Шўрпешона Орифжон”, “Мангу муаммо”), Турсунбой Адашбоев (“Ижодий ўзлик сари йўл”) бадийяти чизилган, Ҳомил Ёқубов (“Танқид майдонида туриш машаққати”), Озод Шарафиддинов (“Озод Шарафиддиновни англаш”), Иброҳим Ғафуров (“Мунаввар сиймо”) сингари адабиётимиз илмининг ёрқин сиймолари ижодий қиёфаси ёритилган кузатишлари бўладими, барчасида бадиий асарнинг таҳлили адабий-эстетик қарашлари билан уйғун олиб борилади. Сўзнинг адабий матнда, бадиий асар бағрида нечоғлик катта салоҳият, ижтимоий-эстетик аҳамият касб этиши ҳассослик билан таҳлил қилинган. Ва, энг муҳими, оддий сўз эстетик мазмунга айланиш жараёнида умумбашарий қадрият мақомига эга бўлади, деган қонуниятни асослашга эришади.

Учинчидан, кейинги йиллар адабиётшунослигимизда намоён бўлган етакчи тамойиллардан яна бири – бу ўзбек адабиётининг етук бадиият намуналарини жаҳон контекстида таҳлил қилишда кўзга ташланмоқда. Жаҳон бадийяти тарихини яратиб келаётган асарлар билан муқоясада изчил, қатъий йўналиш касб этади. Қиёсий адабиётшунослик, адабий таъсир ва халқаро адабий алоқалар йўналишида типологик, тарихий-аналитик таҳлил методлари асосида қутлуғ самараларга эришилмоқда. Бу жиҳатдан таниқли адабиётшунос Париза Мирзаахмедованинг рус тилидаги “Классика ва замонавийлик адабий алоқалар йўналишида” (“Классика и современность в аспекте взаимодействия”) монографияси ҳамда “Чингиз Айтматов ва замонамизнинг маданиятшунослик масалалари” асари, Париза Мирзаахмедова масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Адабий алоқалар миллий адабиётлар тараққиётининг манбаи тариқасида” (“Взаимодействие как источник обогащения национальной литературы”) жамоавий тадқиқоти, адабиётшунос Улуғбек Саидовнинг “Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар”, “Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот” монографиялари, Мурод Иброҳимов (марҳум)нинг “Адабиёт – менинг борлиғим” тадқиқот ва мақолалар китоби ушбу йўналиш такомилида салмоқли ўрин тутади. Адабиётшунос олима Муҳаббат Шарафиддинованинг “XX аср ўзбек насри жаҳон адабиёти контекстида” монографияси, истеъдодли адабиётшунос Замира Қосимованинг рус тилидаги “Миллий ва жаҳон адабиёти анъаналари нуқтаи назаридан замон ва инсон концепцияси: А.Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон асарлари мисолида” номли докторлик диссертацияси, ёш адабиётшунос Дилшода Иброҳимоваинг немис тилида ёзилган ва рус тилига ўгирилган “Хилденбранд ҳақида қўшиқ асари, унинг шарқона ва ғарбона муштарак хусусиятлари (Матн структураси, қиёсий таҳлил муаммолари)” мавзуидаги тадқиқоти халқаро адабий алоқалар борасида жиддий самараларга эришилаётганининг далолатидир.

Адабиётшунос Улуғбек Саидовнинг “Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар” тадқиқотидан ўрин олган: “Фитрат ва Милтон ёхуд ўзгани таниш орқали ўзликни англаш”, “Аттор ва Ғарб фалсафаси”, “Умар Хайём ва Данте фалсафасида инсон талқини”, “Тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш”, “Баркамол авлод тарби-

www.ziyouz.com kutubxonasi

яси – миллий юксалиш омили”, “Эркинлик ғояси такомили” каби фасллар фалсафий адабиётнинг умумбашарий моҳияти тўғрисида, ўткинчи даврнинг азалий ва абадий зиддиятлари издиҳомида инсон тафаккурининг маънавий-интеллектуал қадриятлар, маданий тарих яратиши хусусида баҳс юритади.

Адабиётшунос Мурод Иброҳимовнинг “Адабиёт – менинг борлиғим” китобидан ўрин олган “Рус адабий-назарий тафаккур тарихига доир (XX асргача)” тадқиқотида олим жаҳон эстетикасида муайян босқични ташкил қилган даврий ҳодисани ёритади. Ломоносов, Белинский, Чернишевский каби мутафаккирлар адабий-эстетик қарашларини тадқиқ этади. Бу борада, “Реалистик санъат қонуниятлари”, “Гўзалликнинг фалсафий-эстетик талқини”, “Реал танқид ва ижодкор дунёқараши”, “Халқчиллик назариясининг мукаммаллаштирилиши”, “Адабиётшунослик соҳалари аро синтезлашув” сингари боблар юқори илмий-назарий савияси билан ажралиб туради.

Профессор Муҳаммаджон Холбековнинг халқаро адабий алоқалар борасидаги салмоқли рисола ва монографиялари (“Ўзбек адабиёти Францияда”, “Ўзбек-француз адабий алоқалари”) жамоатчилик назарига тушган эди. Кейинги йилларда таниқли олимнинг “Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари”, “Алишер Навоий асарлари француз тилида” рисолалари, “Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар” тадқиқоти ушбу йўналишда янаям собитқадам изланишлар олиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Бир-биридан узоқ ҳудудларда жойлашган халқлар бадиий маданиятининг ўзаро алоқалари, адабиётларнинг бири иккинчисига таъсири, акс таъсирланиш жараёнлари миллий маънавиятлар тараққиётини белгилаш баробарида жаҳон адабиётининг ҳам сифат-мазмун жиҳатдан янги такомил босқичини тайин этади, деган нуқтаи назар профессор Муҳаммаджон Холбеков тадқиқотларига алоҳида файз бағишлайди; илмий хулосаларининг янгилигини, назарий салмоғини кўрсатади. Ушбу ҳодисанинг табиий ва қонуний ҳосиласи тариқасида миллий руҳга таянган башарий қадриятларнинг юзага келиши, шубҳасиздир, дейди профессор Муҳаммаджон Холбеков.

Тўртинчидан, ўзбек адабий-эстетик тафаккурининг жаҳон маданиятида тутган ўрни, ижтимоий-фалсафий қадри, аҳамиятига оид тадқиқотлар ҳам алоҳида йўналиш касб этди. Бу – истиқлол йиллари адабиётшунослигимиз эришган қутлуғ самаралар сирасидандир.

Шарқнинг бадиий-фалсафий, маънавий уммонидан баҳраманд бўлган санъаткорлар жаҳон маданияти тарихида ниҳоятда кўп. Улар қаторида Оврупо тарихида муқаддас Қуръон оятларидан таъсирланиб асар яратган, илоҳий ҳикматларни кашф эта олган ижодкорлар ҳам бор. Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”, Пушкиннинг “Қуръондан иқтибос” шеърий туркуми фикримиз далилидир. Адабиётшунос Д.Қамбарованинг “Қуръон бахш этган илҳом” монографиясида Пушкиннинг “Қуръондан иқтибос” асари Қуръоннинг арабий матни, русча таржимаси ва Гётенинг Қуръон таъсирида ёзган шеърлари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Адабий алоқа ва таъсир масалалари ижодкорларнинг онги-дунёқарашидаги эврилишлар, бадиий асарлари поэтикаси билан боғлиқ кечишига оид илмий ишлар ҳам нуфузлидир. Бу борада, Р.Воҳидов, М.Ҳошимованинг “Адабий қардошлик сарҳад билмайди”, К.Қурамбоеванинг “Миртемир ва қароқалпоқ адабий муҳити” тадқиқотларини кўрсатиш жоиз.

Бешинчидан, истиқлол шарофати билан қодирийшунослик, фитратшунослик, чўлпоншунослик алоҳида фан тармоқлари сифатида юзага келди, шаклланди. Ва, бугунги кунда янги-янги тадқиқотлар билан ўз ҳадларини кенгайтириб бормоқда. Ойбекнинг дастлабки тадқиқоти “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” ушбу йўналишга тамал тошини қўйган эди. Академик Иззат Султоннинг “Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида” “Улкан адиб сабоқлари”, “Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари” асарлари, “Адабиёт назарияси” дарслигининг асосий фасллари Абдулла Қодирий ижоди таҳлилига бағишланган; академик Матёқуб Қўшжоновнинг “Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати”, “Қодирий эрксизлик қурбони”, Аҳмад Алиевнинг “Абдулла Қодирий”, “Ижод ва изланишлар” асарлари, профессор Собир Мирвалиевнинг “Абдулла Қодирий” тадқиқоти, профессор Умарали Норматовнинг “Қодирий боғи”, “Ҳақиқат тақозоси” ба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

деалари, профессор Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий: таҳлил ва талқин” монографияси, Ҳабибулло Қодирийнинг “Отам ҳақида”, “Қодирийнинг сўнгги кунлари” асарлари қодирийшунослик такомилида файзли ўрин тутади.

Олтинчидан, таржимашуносликда анчадан бери адабий жараённи илмий-назарий умумлаштиришга қаратилган салмоқли тадқиқотлар яратилмаётган эди. Профессор Нинель Владимированинг “ХХ аср ўзбек насри равнақи ва бадиий таржима муаммолари” (рус тилида) монографияси, атоқли адабиётшунос, закий таржимон Иброҳим Ғафуровнинг “Таржимашунослик асослари” ўқув қўлланмаси, Зуҳриддин Исомиддиновнинг “Туркий эпос ва таржима масалалари” монографияси таржимашунослигимиз тарихи ва назариясини яратишда салмоқли ўрин тутади.

Еттинчидан, ҳозирги адабий жараён ҳодисаларини ижодий шахсиятлар майдони, маҳоратшунослик – бадиият тарихи, ҳаётий ҳамда ижтимоий ҳақиқатларнинг синтези тариқасида назарий умумлаштириш майли илдиз отиб бормоқда. Бу борада профессор Наим Каримов қаламига мансуб “Қурбон Берегин” асарини, профессор Умарали Норматовнинг “Ижод сеҳри”, адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг “Ҳаё – халоскор”, “Мангу латофат”, “Дил эркинлиги” асарларини, профессор Нўъмон Раҳимжоновнинг “Асқад Мухтор поэтикаси”, “Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди” (ҳаммуаллифликда), “Ҳалима Худойбердиева лирикаси” (ҳаммуаллифликда), “Мустақиллик даври ўзбек шеърияти” монографияларини, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг “Ёниқ сўз”, профессор Йўлдош Солижоновнинг “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари”, профессор Ҳакимжон Каримовнинг “Адабиёт назариясининг илмий асослари”, Дилрабо Қуввatованинг “ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида жанр ва услуб ранг-баранглиги”, Тоҳир Шермуродовнинг “Жозиб изҳор излаб” китоблари, ўнлаб олимларнинг рисолалари, монографик тадқиқотлари илмий-адабий жамоатчилик эътиборини тортди.

Таниқли адабиётшунос, ёзувчи, таржимон Иброҳим Ғафуров икки жилддан иборат асарларининг юксак илмий-назарий, бадиий савиясини алоҳида таъкидлаш жоиз. “Ҳаё – халоскор” китобига кейинги йилларда ёзилган мансуралари, мумтоз адабиёт, мумтоз сиймолар, мумтоз тарих йўлидаги бадеалари, ҳикоялари киритилган. Муаллиф мўъжаз лирик асарларини: “менинг романларим”, деб атайди. Дарҳақиқат, улар ранг-баранг ҳаёт, ғаройиб инсон умрларининг ҳар сониясида бўлиб турган, ҳали ёзилмаган, лекин, асли мўъжизага тенг жонли романларнинг қаймоғи, жавҳари каби гўзал таассурот қолдиради. Уларда давр ичида ўртанаётган, бой кечинмалар ботинида яшаётган, инсонликнинг асл маъносини қидираётган замондошимиз гавдаланади. У ўқувчини гўзал кўнгил ва гўзал ақл дунёларида тинимсиз рўй бераётган ажиб фикрлар, гўзал туйғулар базмига чорлаётгандек бўлади.

“Мангу латофат” китобидаги “Миллатнинг биллурлашуви” фаслида миллатнинг туғилиши, шаклланиши, миллий онгнинг уйғониши ва жуда мураккаб, қийин тарихий, ижтимоий жараёнларда ўзини таниши, ҳозирги замон дунёсига кириб бориши ҳақидаги нажиб кузатишлари, ўй-хаёллари акс этган рисолалари (“Адиблар гулшани”, “Ахлоқни соғиниш”) жамланган. Адабий-бадиий бадеаларида ахлоқ, маънавият, инсоннинг ҳозирги замондаги ўрни тўғрисида баҳс юритилади. Достоевский “дунёни гўзаллик қутқаради”, деган умидбахш ҳикматни айтган эди. Иброҳим Ғафуров Достоевскийга пайров бўлиб, дунёни аслида ҳаё, одоб ва ахлоқ қутқаради, деган ғояни илгари суради. Муаллифнинг чуқур эътиқодига кўра, “мангу латофат” бу – ҳаё, одоб ва ахлоқдир. Қалбимизда мужассам мангу гўзал, самовий ахлоқ инсоннинг инсонийлиги учун ягона мезондир.

Саккизинчидан, шонли истиқлол йиллари сўз санъаткорлари шахсияти билан бадийяти, асарларининг яратилиш тарихига оид адабий ижод психологияси янги йўналиш сифатида собит қадамларини ташлади. Бу борада, устоз адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг “Чўлпонни англаш” асари, Наим Каримовнинг “Чўлпон” маърифий-биографик романи, Нўъмон Раҳимжоновнинг академик Иззат Султон драмаларининг ёзилиш тарихига, адабий-эстетик қарашларига оид “Бадиий асар биографияси” тадқиқот-қўлланмаси, Ш.Эргашеванинг Саида Зуннунова лирикаси билан достонлари яратилишига бағишланган “Кўнгилнинг моҳипайкари” рисоласини таъкидлагим келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўққизинчидан, адабиётшунослик илмида атоқли адиблар ва адабиётшунослар ҳақидаги хотиралар янги бир тамойил тариқасида такомиллашиб бормоқда. Мазкур йўналишнинг янгилиги, фазилати шундаки, ижодкор шахсияти, истеъдоди ва асарларини миллий-башарий қадрият тарзида ўрганиш, баҳолаш маданияти юз кўрсатди.

Яна бир хусусият бу – адиблару олимларнинг адабий-эстетик, фалсафий, маърифий-ахлоқий қарашларини давр-жамият-ижтимоий воқелик билан яхлит бирликда ягона жараён сифатида ёндашиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш майли бўртиб кўзга ташланади. Бу борада "Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида", Мақсуд Шайхзоданинг 100 йиллигига аталган "Замон алломаси", "Асқад Мухтор замондошлари хотирасида", "Шуҳрат замондошлари хотирасида", "Шукур Холмирзаев замондошлар хотирасида", "Болажонлик саодати" (Сафар Барноев замондошлари хотирасида), "Профессор Ғаффор Мўминов дилдошлари хотирасида", "Профессор Асил Рашидов дўстлар нигоҳида", "Собитлик" (профессор Ҳамиджон Ҳомидий ҳақида), "Кўнгил сезиб турар" (профессор Пирмат Шермуҳамедовга оид), Умрзоқ Ўлжабоевнинг "Хотирага кўчган умрлар" мажмуалари аҳамиятлидир.

Ўнинчидан, адабиёт ҳақидаги фан тараққиётида адибларнинг адабий-эстетик қарашлари ҳам салмоқли ўрин тутади. Эркин Воҳидовнинг "Изтироб", Абдулла Орипов танланган асарларининг тўртинчи жилди ҳамда "Адолат кўзгуси" мажмуаси мундарижасини белгилаган адабий-танқидий мақолалар, Муҳаммад Алининг "Ошиқ бўлмай ҳақ дийдорин кўрса бўлмас", Мирпўлат Мирзонинг "Сурур", Улуғбек Ҳамдамнинг "Бадиий тафаккур тадрижи" асарлари адиб шахсияти, истеъдоди ва ижодининг ҳаётда, жамиятда нечоғлиқ муҳим ўрин тутиши, асарларининг бадийяти, маҳорати хусусида сўз юритади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Зулфия, И.Султон, Шукрулло, Р.Бобожон, Ҳ.Ғулом, О.Ёқубов, П.Қодиров, М.Қориев, Ў.Умарбеков, У.Назаров, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов. О.Мухтор, И.Ғафуров. Х.Дўстмуҳаммад, А.Дилмурод, И.Отамурод, Н.Эшонқул сингари шоир-ёзувчиларнинг бадиий ижод сирлари, адабий жараён психологияси, адабий меҳнат ва бадиий маҳорат, сўзнинг ижтимоий аҳамияти ва эстетик таъсир салоҳияти, бадиий идрок ва ифода санъати, тасвир усуллари ва имкониятларига доир суҳбатлари, чиқишлари, мақолалари ҳам адабиётшуносликнинг назарий масалаларини ўрганишда салмоқли ўрин тутади.

Сўз санъатида азал-азалдан ёзилмаган бир қонуният бор. Хусусан, катта адабиётни беназир истеъдод эгалари – катта шахслар яратади. Бу нарса, аввало, сўз санъаткорининг истеъдод даражаси ва шахслик миқёси, нуқтаи назари билан адибнинг эстетик ғоялари, қарашлари бадиий образларга сингдирилган ҳолда ифодаланган боис, юксак қадр-қиммат топади. Бетакрор мазмун-моҳият касб этади. Эстетик ҳодиса сифатида бадиий маданиятда янги саҳифа бўлиб қолади. Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек. М.Шайхзода, Миртемир, Зулфия, И.Султон, А.Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиров, У.Назаров, Р.Парфи, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, А.Орипов, Ж.Камол, Н.Аминов сингари ижодкорлар ижоди нафақат туркий халқлар адабиётида, шунингдек, жаҳон бадиятида ҳам бетакрор гўзаллик ҳодисасидир, деган нуқтаи назар олимларимиз ижодий изланишлари меҳварини ташкил қилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадиган айрим хулосаларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Адабиётшунослигимизда адабий ҳодисаларни, бадиий асарларни, ижодкор феноменини маънавий маданиятнинг, миллий қадриятларнинг ўзига хос тарзда намоён бўлиши тариқасида ўрганиш, баҳолаш, илмий хулосалар чиқариш тамойили қарор топди.

2. Адабиётшуносликнинг ҳам адабиёт ва санъат сингари давр дидини, миллатнинг бадиий-эстетик савиясини, жамият маънавиятини камол топдиришда бетакрор ўрни бор. Илм аҳли ўз замонасидаги ана шу юксак масъулиятни теран англаган ҳолда, адабиётни, маданий-тарихий-диний меросни умубашарий қадрият сифатида ўрганиши, баҳолаши, асносида, назарий умумлаштириш маданияти тобора такомиллашиб бормоқда.

3. Кенг ўқувчилар оммаси илм аҳлидан, аввало, бадиий асар ва ёзувчи феноменини тушунтириб беришини кутади. Шу маънода, ана шу бир-бири билан узвий боғлиқ икки ҳодиса миллат тарихий тараққиётининг муайян босқичидаги маданиятининг, маънавий-интеллектуал даражасининг бир белгисидир, деган тамойил етакчилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқда. Бадиий адабиётнинг умумий ҳолати адабиётшунослик илмининг ҳам даражасини белгилаб беради. Тарих, фалсафа, дин, санъат, кино, театр, мусиқа, тасвирий ва амалий санъат ижодкор шахсига нечоғлик катта таъсир кўрсатаётган пайтда, асарларни ана шу омиллар синтези сифатида ўрганиш, ўзлаштириш тамойили кучайди. Тарихий, қиёсий, биографик таҳлил методи тобора устувор мавқе касб этиб бормоқда.

Энди, кемтикликлар, етишмовчиликлар ҳақида бир-икки оғиз мулоҳаза.

Биринчидан, ёш тадқиқотчи ёхуд атоқли олим бўладими, у ёки бу масала хусусида илмий иш ёзишга тараддудланар экан, изланишни библиография тузишдан бошлайди. Шу маънода, библиография илмий тадқиқотнинг бисмиллоси, дейиш мумкин. Таниқли адабиётшунос Шерали Турдиев билан Бойис Қориев (Олтой)нинг “Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси” (1900-1941 йиллар)нинг тўлдирилган иккинчи нашри юзага келди. Албатта, у библиографик кўрсаткичларга бўлган катта ташналик олдида бир томчи, холос. Ваҳоланки, наср, назм, драматургия ва ҳоказо адабиётнинг барча тур ҳамда жанрлари бўйича яратилган адабиётшунослик тадқиқотларига, газета ва журнал мақолалари жамланган библиографияларга нисбатан маънавий-интеллектуал эҳтиёж ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

XX аср тонгидан бугунги кунгача вақтли матбуотда, даврий нашрларда эълон қилинган адабиётшунослик ва танқидчилик асарлари библиографиясини яратиш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир.

Иккинчидан, Нинель Владимированинг “XX аср ўзбек насри ривожи ва бадиий таржима муаммолари” тадқиқоти билан Иброҳим Ғафуровнинг “Таржимашунослик асослари” ўқув қўлланмаси таржимашунослик тарихи ва назариясини яратишда нуфузли ўрин тутади. “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилганига ҳам йигирма йил бўлаяпти. Шу орада, жаҳон классикасининг баркамол намуналари ўзбек китобхонининг маънавий мулкига айланди. Ҳомердан тортиб Платон, Аристотель, Данте, Шекспир, Толстой, Достоевский каби жаҳон бадиий сўз сеҳргарларининг, Конфуций, Низомий, Деҳлавий, Румий, Аттор сингари Шарқ маънавияти гултожлари миллий маданиятимиздан собит ўрин олди. Бадиий-илмий асарлар таржимасининг улкан хирмони кўтарилди. Ва, лекин, кейинги йилларда Иброҳим Ғафуровнинг муқаддас “Қуръони карим”нинг тўрт муаллиф томонидан амалга оширилган ўзига хос таржималарининг маънолар теранлигига бағишланган муҳташам тадқиқотидан бўлак, маданий ҳаётимизда из қолдирган чиқишлар кузатилмаяпти. Аслиятлардан (инглиз, француз, немис, испан, араб, хитой, япон, ҳинд тилларидан) таржима қилаётган таржимонларнинг янги авлоди етишди. Бу мустақилликнинг бетимсол шарофатидир. Эндиликда, таржимашуносларнинг янги авлодини тарбиялаш, вояга етказиш вазифаси турибди. Илмимизда таржимашуносликни мустақил фан сифатида намоён этиш масъулияти ҳам бор.

Учинчидан, бадиий-эстетик тафаккурнинг бошқа фан соҳалари билан алоқаси кучайиши натижасида, ушбу йўналишлар билан боғлиқ кўплаб янги терминлар пайдо бўлди. Абсурд, абсурд санъат, авангардизм, аксиология, алеаторика, аналитик эстетика, антифазис, антроморфизм, апокалипсис, ассоциация, астеизм, астрофизм, атрибуция, аттикизм ва ҳоказо. Адабиёт назарияси, эстетика, фалсафа билан боғлиқ адабиётшунослик терминларининг қомусий луғатларини яратишдек ғоят самарали ва завқли, машаққатли юмушлар ҳам адабиётшунослигимиз зиммасида.

Хуллас, адабиётшунослик илмини жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасидаги шарафли изланишлар унинг келажагига катта умид уйғотади.

www.ziyouz.com kutubxonasi